Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 9 август, № 156 (6850) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОСИЁ ИНФРАТУЗИЛМА ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 август куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Осиё инфратузилма инвестициялари банки президенти Цзинь Лицюнни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни Осиё қитъасида замонавий ва ишончли инфратузилмани шакллантиришга кўмаклашадиган янги халқаро молия институти бўлган ушбу банк ўз амалий фаолиятини муваффақиятли бошлагани билан самимий табриклади.

2015 йилда ташкил этилган ва бош қароргоҳи Пекинда жойлашган Осиё инфратузилма инвестициялари банки дунёнинг турли мамлакатларида 17 инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда фаол қатнашмоқда.

Мамлакатимиз 2016 йилнинг ноябрь ойида банкни таъсис этиш тўғрисидаги битим доирасида давлатнинг ички тартиб-таомилларини бажарди ва ушбу халқаро молия институтининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Республикасида умумий қиймати 2,7 миллиард доллар бўлган истиқболли лойиҳаларни — сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш, энергетика инфратузилмасини ривожлантириш, замонавий автомобиль йўллари қуриш, темир йўлларни электрлаштириш ва пойтахт метрополитени тармоғини кенгайтириш ва бошқа лойиҳаларни амалга оширишга доир ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Қўшма лойиҳаларни амалга оширишга хусусий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш механизмини яратиш бўйича ҳамкорлик имкониятлари мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

Осиё инфратузилма инвестициялари банки президенти Цзинь Лицюнь Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул ва ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик изҳор этди. Банк Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва кенг кўламли ҳамкорлик қилишга тайёр эканини алоҳида таъкидлади.

ЎзА.

Елқин ШАМСИДДИНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида маданият соҳасини изчил ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги ижобий тажриба ва тенденциялар, ютуқ ва натижаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида маданият ва санъат муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларнинг тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Айни шу мақсадда 2002 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Тошкент давлат консерваторияси учун янги бино қурилиб, у замонавий талаблар асосида жиҳозланди. Ушбу олий ўқув юртининг нуфузи ва мақомини ошириш учун унга "Ўзбекистон давлат консерваторияси" номи берилди, консерватория қошида иқтидорли ёшлар учун академик мусиқа лицейи ҳам ташкил этилди.

Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятининг танқидий таҳлили ўтган давр мобайнида ушбу олий таълим муассасаси томонидан академик ва миллий мусиқа санъати йўналишларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ўқув-педагогик ва илмий-ижодий ишларни ташкил этиш борасида муайян ютуқларга эришилганини, шу билан бирга, бир қатор жиддий камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилганини кўрсатмоқда.

Мутасадди ташкилотлар, биринчи навбатда, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан етарли даражада амалий ёрдам ва кўмак берилмагани, тегишли назорат олиб борилмагани, масъулият ва талабчанлик бўшаштириб юборилгани оқибатида Ўзбекистон давлат консерваторияси мамлакатимиз маданий ҳаётидаги ўзининг етакчи ўрни, обрў-эътибори ва таъсирини йўқотиб бораётгани, унинг фаолияти бугунги замон талабларидан орқада қолаётгани, бу борада кечиктирмасдан ҳал қилиш зарур бўлган бир қанча жиддий муаммолар мавжудлиги кўзга яққол ташланмоқда.

Жумладан, таълим-тарбия ишларининг замонавий стандартлар ва соҳанинг ўзига хос хусусиятлари асосида тўғри ташкил этилмагани, ўқув дастурлари ва методикасининг мукаммал эмаслиги, дарслик ва қўлланмаларнинг етишмаслиги, профессор-ўқитувчилар, илмий ва ижодий ходимларнинг салоҳияти аксарият ҳолларда талабга жавоб бермаслиги, консерваториянинг моддий-техника базаси ночор аҳволга келиб қолгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқишга қабул қилиш квоталарида номутаносиблик вужудга келгани, хусусан, 700 нафар ўқув ўрни мавжуд бўлгани ҳолда, амалда 1346 нафар талаба таҳсил олаётганини албатта нормал ҳолат сифатида баҳолаб бўлмайди.

Мана шундай камчилик ва муаммолар, ўз навбатида, ушбу олий таълим муассасаси олдига қўйилган вазифаларни тўлақонли ва самарали амалга оширишга, маданият соҳаси учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Халқимиз, хусусан, ёшларимизнинг дунёқараши, маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтиришда ғоят муҳим ўрин ва аҳамиятга эга бўлган мусиқа санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, бой мусиқий меросимизни чуқур ўрганиш, ёш авлодни миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг мумтоз намуналарига муҳаббат руҳида тарбиялаш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур деб аталади) 1-иловага;

Ўзбекистон давлат консерваториясининг таркибий тузилмаси 2-иловага;

Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

(Давоми 2, 3-бетларда).

Цзинь ЛИЦЮНЬ:

ОСИЁ ИНФРАТУЗИЛМА ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ БАНКИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИККА ТАЙЁР

Бош қароргоҳи Пекинда жойлашган Осиё инфратузилма инвестициялари банки бундан икки йил аввал ташкил қилинган. Турли мамлакатларда транспорт, энергетика, уй-жой қурилиши ва бошқа соҳалардаги йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга ихтисослаштирилган банк президенти Ўзбекистонга ташрифи хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Аввало, Президент Шавкат Мирзиёевга ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик изҳор этаман. Мамлакатингизда бир неча маротаба бўлганман. Мазкур банк президенти сифатида биринчи марта келдим. Биз Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларни юқори баҳолаймиз. Мамлакатингизнинг ҳар томонлама ривожланиши, тараққий этган давлатлар сафига киришида Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сиёсат муҳим омил бўлмоқда.

Осиё инфратузилма инвестициялари банки Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларида ўзининг ёрдамини аямайди. Мамлакатингизда янги инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришда ҳар бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Қўшма лойиҳаларни молиялаштириш бўйича дастлабки қадамларни қўйдик. Баъзи лойиҳа ишлари такомиллаштирилмоқда. Тошкент метрополитенининг ер ости ва ер усти қисмларида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Биз мазкур йирик лойиҳани молиялаштириш бўйича музокаралар ўтказаяпмиз.

Бугунги учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилишини алоҳида таъкидлади. Бу мени ҳайратга солди. Чунки бу жуда муҳим аҳамиятга эга масала. Ҳамкорлигимизни изчил ривожлантиришда бунинг аҳамияти катта.

Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва кенг кўламли ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

ЎзА мухбири А. ЎРОЗОВ ёзиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИ УЧУН ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР ВА ЖОЙЛАРДАГИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ВА УЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарни (кейинги ўринларда — ЭИЗ) маҳаллий минерал-хом ашё ресурсларни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий корхоналар ташкил этиш, республика ҳудудларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу аснода янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини ошириш учун хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим омили сифатида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ЭИЗ фаолиятини тартибга соладиган мустаҳкам қонунчилик ва меъёрий база яратилди, уларни ривожлантириш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашадиган кенг кўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар тизими шакллантирилди. Айни пайтда республикамизнинг 10 минтақасида 14 ЭИЗ ташкил этилди ва фаолият юритмоқда.

Шу билан бирга, ЭИЗ фаолиятида тўпланган тажриба уларни жадал ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар ва ҳал этилмаган масалалар мавжудлигидан далолат беради. Жумладан:

биринчидан, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ЭИЗни ривожлантириш борасида уларни ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг аниқ мақсадларини, хусусан, иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ва бошқа мақсадларни белгилайдиган, шунингдек, ЭИЗни ихтисослаштириш бўйича аниқ принцип ва ёндашувлар мавжуд эмас;

иккинчидан, хорижий компания ва фирмаларнинг республика ЭИЗ ҳудудларида ўз бизнесини юритиш учун Ўзбекистонда яратилган қулай шароитларни кенг ёритиш ва бўлажак инвесторларни, биринчи навбатда, хорижда ушбу шароитлар билан таништириш ишлари суст амалга оширилмоқда;

учинчидан, истиқболли лойиҳа таклифларини шакллантириш, чуқур таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш мақсадга мувофиқлиги, асослилиги ва рентабеллиги асосида ЭИЗ ҳудудида амалга ошириш учун танлаб олиш, шунингдек, лойиҳаларни амалга оширишнинг барча цикларида сифатли ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, жумладан, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, объектларни ишга тушириш ва якуний мақсадларга эришишни таъминлайдиган ягона яхлит тизим яратилмаган;

тўртинчидан, инвестиция лойиҳалари портфелининг сифати паст, ЭИЗ ҳудудида етакчи хорижий компаниялар иштирокида, аввало, маҳаллий минерал-хом ашё ресурслари ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини чуқур қайта ишлаш, шунингдек, жаҳонга машҳур брендлар остида экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли маҳаллийлаштирилган замонавий корхоналар ташкил этиш ишлари суст амалга оширилмоқда, ЭИЗ ҳудудида ташкил қилинган хўжалик субъектлари ўртасида саноат ва кооперация алоқалари етарли даражада эмас, зарур логистика тизими мавжуд эмас;

бешинчидан, ЭИЗ иштирокчиларини рўйхатга олиш, уларга ер участкалари ажратиш, инвестиция лойиҳаларини маъқуллаш, корхоналарни ташқи муҳандислик инфратузилмасига улаш, тадбиркорларга ишлаб чиқараётган маҳсулотини ички ва ташқи бозорларда сотишга кўмаклашиш жараёнлари муддати асоссиз чўзилмоқда;

(Давоми 2-бетда).

МИЛЛИЙ КИНО САНЪАТИ РАВНАҚИДА МУҲИМ ҚАДАМ

Миллий кино санъати инсон онги ва тафаккурига, жамият ҳаётига, қолаверса, халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг ички дунёси, маънавиятига кучли таъсир кўрсатувчи муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Ёш авлодни ватанпарварлик, ота-онага ҳурмат, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, маънавиятимизни юксалтириш ҳамда одамларнинг дунёқарашини кенгайтиришда кино санъати муҳим ўрин тутади.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Президентимиз яқинда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам миллий кино санъатида эришилган ютуқлар билан бир қаторда, соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатаётган кўплаб омиллар борлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ушбу учрашувда миллий кино санъати ривожини белгилаб берадиган ҳужжат тайёрланаётганлиги айтиб ўтилган эди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 август куни имзоланган "Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори узоқ тарихга эга ва ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтган ўзбек кино санъати ривожи учун улкан имкониятлар эшигини очиб беради, десак, муболаға бўлмайди.

Ушбу муҳим ҳужжатда, энг аввало, кинематография соҳасининг халқимиз ҳаётида, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, ғоявий-бадиий савиясини ошириш, уни ҳозирги замон талаблари асосида янада такомиллаштириш каби бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилди.

(Давоми 3-бетда).

ИСТЕЪМОЛЧИЛИК КАЙФИЯТИ ИЛДИЗ ОТИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

Юртимизда ўсиб келаётган авлоднинг соғлом, интеллектуал салоҳиятли, замонавий дунёқараш ҳамда касб-ҳунарга эга бўлиб вояга етиши учун барча омил ва имкониятлар сафарбар этилиб, ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Фарзандларимиз орасида турли соҳаларда янги иқтидор соҳибларининг кашф этилаётгани, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётида навқирон авлод вакиллари иштироки, фаоллиги сезиларли равишда ортаётгани бунинг натижасидир. Аммо бошқа бир томондан, ёшларимиз тарбиясида, одоб-ахлоқида, умуман, маънавиятида баъзи бир кемтиклар кузатилаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Биргина мисол, ўғил-қизларимизда китоб ва китобхонликка эмас, виртуал оламга, мусиқа, театр, кино санъатининг мумтоз намуналарига эмас, енгил-елпи, бадиий савияси паст асарларга, миллий қадриятларимизга эмас, ғарбона одату қарашларга қизиқиш ва интилиш кучайиб бораётганини инкор қила олмаймиз. Тўғри, интернет ва илғор технологиялар асрида болаларимизни ташқи оламдан ажратиб қўйиш мумкин эмас. Бироқ айни ҳолатлар алалоқибат ёшларимизнинг турли туйнуклар орқали кириб келишга уринаётган маънавий-мафкуравий таҳдидлар таъсирига тушиб қолишига, уларда жамиятимизнинг инсонийлик ва ахлоқий ақидаларини менсимаслик кўникмаси, истеъмолчилик кайфияти илдиз отишига сабаб бўлиши ҳам бор гап.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШИ УЧУН ВАЗИРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР ВА ЖОЙЛАРДАГИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ВА УЛАРНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

олтинчидан, ЭИЗ салоҳиятидан етарлича фойдаланилмаётгани оқибатида ЭИЗ иштирокчилари томонидан рақобатдош, экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ҳамон паст, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, ички бозорни истеъмол товарлари ва бутловчи буюмлар билан таъминлаш, республикада экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва валюта тушумлари миқдорини кўпайтиришдаги улуши паст даражада қолмоқда.

Ҳудудларни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтиришда эркин иқтисодий зоналар ҳиссасини ошириш, лойиҳа бўйича бошқариш тамойиллари асосида ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ваколатли вазирлик, идора ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар эркин иқтисодий зоналар фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ЭИЗ ҳудудида, биринчи навбатда, кластер ёндашувлардан кенг фойдаланган ҳолда, ЭИЗ иштирокчилари ўртасида яқин кооперация алоқаларини йўлга қўйиш, маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида рақобатдош тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича юқори технологияли замонавий корхоналар ташкил этиш;

ЭИЗ ҳудудида жойлашган саноат корхоналари ва инфратузилма объектларида янги малакали иш ўринлари ташкил этишни таъминлаш, шу асосда республика минтақалари аҳолисининг бандлик даражасини ва даромадларини ошириш;

маҳаллий минерал-хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва дунёда танилган брендлар остида юқори қўшилган қийматли рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ҳудудида ЭИЗлар ташкил қилинган минтақалар ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

етакчи хорижий компания ва корпорациялар иштирокида юқори технологияли замонавий инновацион ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестициялар, авваламбор, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича энг қулай шароитлар яратиш;

ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш, шунингдек, сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш;

ЭИЗ йўналишлари бўйича кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб ва уларнинг ЭИЗ ҳудудида жойлашган саноат корхоналари ва инфратузилма объектларида ишлаб чиқариш амалиёти ўташини назарда тутган ҳолда, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш.

2. ЭИЗ фаолиятининг қайд этилган йўналишларини мувофиқлаштириш ва комплекс равишда ҳал этишни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ижтимоий-иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати таркибида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари лавозими жорий этилсин, шунингдек, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича умумий сони 5 кишидан иборат сектор ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари зиммасига қуйидаги асосий вазифа ва функцияларни амалга ошириш масъулияти юклансин:

вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, тижорат банклари, ЭИЗ дирекциясининг эркин иқтисодий зоналарнинг самарали фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар бўйича фаолиятини амалий мувофиқлаштиришни таъминлашга доир комплекс ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш;

ваколатли вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда ҳар бир эркин иқтисодий зона ва кичик саноат зоналарини ихтисослаштириш ҳамда истиқболли ривожлантиришга оид ёндашувлар, тамойиллар ва аниқ дастурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

барча давлат бошқаруви органлари, назорат қилувчи органлар, тижорат банкларининг эркин иқтисодий зоналар ҳудудида белгиланган алоҳида солиқ, божхона ва валюта тартиб-таомиллари қўлланилиши бўйича ҳуқуқий нормалар ва қонунчилик қоидаларининг сўзсиз бажарилиши, инвестиция лойиҳаларини жадал илгари суриш, бюрократик тўсиқ ва ғовлар бартараф этилишини тизимли назорат қилиш;

ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини, ЭИЗ иштирокчиси бўлган хўжалик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини мунтазам мониторинг қилиш, вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, тижорат банклари, ЭИЗ дирекциясининг улар зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳисоботларини доимий эшитиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. А. Голишев икки ҳафта муддатда янги жорий этилаётган лавозимлар бўйича функционал мажбуриятларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус идоралараро комиссия (кейинги ўринларда — Махсус комиссия) 1-иловага мувофиқ тузилсин.

Қуйидагилар Махсус комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ЭИЗлар фаолият кўрсатиши ва ривожлантириш билан боғлиқ ташкилий-техник масалаларни ҳал этишда уларга амалий ёрдам кўрсатиш, ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича вазирлик, идора, тижорат банклари, жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини аниқ мувофиқлаштириш, улар томонидан бюрократизм ва сансалорликка йўл қўймасликка доир тезкор чоралар кўриш, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари қўллашга оид таклифлар киритиш;

ЭИЗ фаолияти билан боғлиқ бўлган барча ташкилий масалаларни ҳал қилиш, хорижий инвесторлар томонидан тушаётган истиқболли таклифлар, шунингдек, ЭИЗ ҳудудида амалга ошириш учун комиссияга таклиф этилаётган муайян лойиҳа таклифларини тезкор кўриб чиқиш ва келишилган қарорлар қабул қилиш;

ЭИЗ ҳудудида лойиҳаларни амалга оширадиган инвесторлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, ЭИЗ иштирокчилари хўжалик субъектлари фаолиятини самарали ташкил қилиш, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўпайтиришга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштиришга доир таклифларни белгиланган тартибда тақдим этиш;

лойиҳаларни амалга оширишнинг барча босқичларида, жумладан, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, объектларни ишга тушириш ва якуний мақсадга эришишда уларни сифатли ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш;

ўрнатилган муддатларда ишга туширилишига тўсқинлик қилаётган сабабларни аниқлаган ҳолда, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳаларни, шунингдек, ЭИЗ иштирокчилари хўжалик юритиш субъектлари молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини доимий мониторинг қилиш, уларга юзага келадиган масалалар ва муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш;

ЭИЗ иштирокчиларини ташқи муҳандислик ишлаб чиқариш инфратузилмасига ўз вақтида улаш ва унинг узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;

эркин иқтисодий зоналар дирекциялари фаолияти устидан амалий назорат ўрнатиш, дирекция раҳбарларининг маъқулланган инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам эшитиш, зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришни таъминламаган вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ЭИЗ дирекцияси раҳбарларига жавобгарлик чораларини кўриш ҳақида таклифлар киритиш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

бир ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий комиссияларнинг шахсий таркибини ташкил этсин ва тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан ҳамкорликда бир ой муддатда ҳар бир эркин иқтисодий зонанинг ривожланиш даражаси ва фаолият самарадорлиги, маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босадиган лойиҳалар амалга оширилишини рейтинг асосида баҳолаш мезонлари ҳамда кўрсаткичларини ишлаб чиқсин;

жорий йилнинг 15 августигача истиқболли ҳамкорлик бўйича хорижий мамлакатларни аниқлаган ҳолда, Махсус комиссияга ҳар бир ЭИЗ бўйича мазкур қарорнинг қоида ва талабларини амалга оширишга доир тармоқ жадвали ва «йўл хариталари»ни тақдим этсин.

Эркин иқтисодий зоналар дирекциялари раҳбарлари бир пайтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг маслаҳатчилари ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими, уларнинг биринчи ўринбосарлари ярим йил ва йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига эркин иқтисодий зоналар ҳамда кичик саноат зоналарини ривожлантириш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга доир амалга оширилаётган ишлар ҳақида шахсан ҳисобот беради;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. А. Голишев Махсус комиссия аъзолари билан биргаликда жойларга чиқиб, ҳар ой мазкур қарор ижросини, ҳар бир ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини, ЭИЗ иштирокчиси бўлган хўжалик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти самарадорлигини мониторинг қилиб борсин.

6. ЭИЗ иштирокчиси бўлган хўжалик субъектларига ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича кредит-молия ёрдамини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг тижорат банкларини эркин иқтисодий зоналарга бириктириш тўғрисидаги таклифи 1-иловага мувофиқ қабул қилинсин.

Ваколатли тижорат банклари инвестиция лойиҳаларини амалга оширадиган ЭИЗ иштирокчиси бўлган хўжалик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватласин, лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини, самарадорлиги ва ўзини қоплашини пухта экспертизадан ўтказишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, уларга бизнес-режалар ишлаб чиқишда амалий кўмаклашсин.

7. Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (Ш. А. Вафоев) ушбу қарорнинг 2-иловасида қайд этилган ваколатли тижорат банкларига ЭИЗ ҳудудида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун умумий ҳажми 100 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линиялари очилишини таъминласин.

Марказий банк (М. Б. Нурмуратов)га Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (А. И. Ахмедходжаев) ва ваколатли тижорат банклари билан ҳамкорликда ЭИЗ ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий банклар, халқаро молия институтлари ва донор-мамлакатларнинг кредит линияларини жалб қилиш ишларини фаоллаштириш тавсия этилсин.

8. Давлат божхона қўмитаси (М. В. Тохирий):

уч ой муддатда барча ЭИЗ ҳудудларида божхона постлари ва омборхоналарининг очилиши ва фаолият юритишини;

«Навоий» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида жойлашган асбоб-ускуналар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмларни эркин божхона зонаси режимидан божхона тўловларини тўламасдан, муқаддам расмийлаштирилган божхона кўриги асосида, экспорт божхона юк декларацияси, сертификатлар ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида рухсат берувчи бошқа ҳужжатларини тақдим этмасдан, эркин муомалага чиқариш режимига қайта расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Г. К. Саидова) ва унинг ҳудудий бошқармалари:

Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Р. А. Ғуломов), «Давергеодезкадастр» қўмитаси (А. Х. Абдуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, ЭИЗ дирекциялари билан ҳамкорликда икки ой муддатда эркин иқтисодий зоналар чегарасини қайта кўриб чиқсин ва Махсус комиссияга муҳандислик тармоқларига уланган, транспорт коммуникациялари ва ижтимоий инфратузилма объектларига эга фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонлари таркибига киритишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, уларни оптималлаштириш бўйича таклифларни тақдим этсин, бу, ўз навбатида, янги корхоналар ташкил этиш ва уларнинг кам маблағ сарфлаган ҳолда самарали фаолият кўрсатишини таъминлайди;

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (А. И. Ахмедходжаев), ҳудудида ЭИЗ ташкил этилган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудлар хусусиятлари, мавжуд табиий, минерал-хом ашё, қишлоқ хўжалиги ва меҳнат салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, эркин иқтисодий зоналар ихтисослашувини белгиласин, уларни истиқболли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқсин;

2017 йилнинг 1 октябригача Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (А. И. Ахмедходжаев), бошқа манфаатдор вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари, ваколатли тижорат банклари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, хусусий тадбиркорлар билан ҳамкорликда аниқ лойиҳа таклифларини ишлаб чиқсин, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш учун 2018 йилги инвестиция лойиҳалари портфелини шакллантирсин;

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурлари доирасида ҳар йили буюртмачилар, лойиҳа ва пудрат ташкилотлари, молиялаштириш манбаларини аниқ белгилаган ҳолда, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида, аввало, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича саноат корхоналарини ҳамда инфратузилма объектларини қуриш ва ишга туширишнинг манзилли рўйхатини шакллантирсин;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ташкил қилинган ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг самарадорлигини, уларнинг мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайтиришда иштирокини мунтазам равишда омилли асосда таҳлил қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (А. И. Ахмедходжаев):

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан ҳамкорликда бўлажак хорижий инвесторлар, авваламбор, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини, шунингдек, халқаро молия институтлари, донор-мамлакатлар, хорижий банклар, компания ва фондларнинг молия ресурслари ҳамда техник кўмаклашиш маблағларини (грантлари) ЭИЗ ҳудудида амалга ошириладиган лойиҳаларга жалб этишни таъминласин;

хорижий инвесторлардан тушадиган истиқболли таклифлар асосида лойиҳалар бўйича ЭИЗ доирасида амалга ошириш учун таклифлар тайёрласин;

бўлажак инвесторларни ЭИЗда бизнес юритиш учун яратилган қулай шароитлар билан таништириш мақсадида хорижий давлатларда тадбирлар (бизнес-форумлар, давра суҳбатлари, тақдимотлар, махсус видеороликлар тайёрлаш, ОАВда ёритиш ва бошқалар) тайёрласин ва ўтказсин;

жалб этиладиган хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш, ЭИЗ иштирокчиларининг олинган қарз маблағларини ўз вақтида қайтаришини тизимли мониторинг қилиб борсин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун унинг марказий аппарати тузилмасида 4 кишидан иборат Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш масалалари бўйича бўлим ташкил этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Б. И. Зокиров, К. Н. Тўлаганов) лойиҳа институтлари билан биргаликда:

ЭИЗ ҳудудида саноат корхоналари, транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектларини қуриш бўйича техник вазифалар, инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқсин;

белгиланган стандартлар, қурилиш норма ва қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда, ЭИЗ ҳудудида жойлашган объектлар бўйича амалга оширилаётган лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатини доимий асосда давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширсин.

12. Давлат солиқ қўмитаси (Б. Р. Парпиев) ва Давлат божхона қўмитаси (М. В. Тохирий):

ЭИЗ иштирокчилари учун қонунчиликда белгиланган солиқ ва божхона имтиёз ҳамда преференциялари, валюта режимининг алоҳида шартларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг хўжалик фаолиятига аралашувга йўл қўймасликни;

ЭИЗ иштирокчилари инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида технологик ускуналар, материаллар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларни олиб киришда тақдим этилган солиқ ва божхона имтиёзларидан мақсадли фойдаланиши устидан қатъий назорат ўрнатилишини таъминласин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳокимлари:

ЭИЗ ҳудудида амалга ошириш учун истиқболли лойиҳаларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва келишиш, олинган ижобий хулосалар асосида хўжалик субъектларига ЭИЗ иштирокчиси мақомини беришни таъминласин;

ЭИЗ ҳудудида маъқулланган инвестиция лойиҳалари бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқсин ва амалга оширилишини таъминласин;

лойиҳаларни ЭИЗ ҳудудида жойлаштириш учун ер участкалари ва объектлар ажратиш тўғрисидаги қарорларни ўз вақтида қабул қилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (М. Х. Солиев), Автомобиль йўллари давлат қўмитаси (А. А. Абдувалиев), «Ўзбекэнерго» АЖ (У. М. Мустафоев) ва «Ўзтрансгаз» АЖ (А. С. Мустафоев) раҳбарлари зиммасига ЭИЗ иштирокчилари бўлган хўжалик субъектларини ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмасига ўз вақтида улаш ва узлуксиз ишлашини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ (А. С. Шукуров), «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК (В. Н. Тян), Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (В. В. Исмоилов) билан ҳамкорликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ЭИЗнинг республика автомобиль ва темир йўл тармоқлари билан интеграциялаштирилган транспорт-логистика инфратузилмасини ташкил этишга доир таклифларни киритсин.

16. Ташқи савдо вазирлиги (Э. М. Ғаниев) Иқтисодиёт вазирлиги (Г. К. Саидова), Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (А. И. Ахмедходжаев), Давлат божхона қўмитаси (М. В. Тохирий), «Ўзфармсаноат» АК (М. М. Дўсмуротов) ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда Махсус комиссияга 2018-2019 йилларда ЭИЗ ҳудудида амалга ошириш учун тавсия этиладиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга оид янги лойиҳалар бўйича таклифлар киритсин.

17. Махсус комиссия Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Г. К. Саидова), Молия вазирлиги (Б. А. Хўжаев), Ташқи савдо вазирлиги (Э. М. Ғаниев), Адлия вазирлиги (М. М. Икромов), Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси (А. И. Ахмедходжаев) ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар фаолияти самарадорлигини рағбатлантиришни янада қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони лойиҳасини белгиланган тартибда тақдим этсин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. А. Голишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 7 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Дастурнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

ўзбек халқининг миллий мусиқий мероси ва жаҳон мусиқа маданияти дурдоналари негизида мусиқа санъатини ривожлантириш, мусиқий таълим тизимини сифат жиҳатидан янада кўтариш;

аҳолимиз, биринчи навбатда, ёшларни миллий ва умумбашарий мусиқа санъатининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, шу асосда уларнинг маданий савиясини юксалтириш, маънавий етук ва баркамол шахсларни тарбиялаш;

мулкий ёки идоравий мансублигидан қатъи назар, мусиқа санъати, мусиқа таълими йўналиши учун кадрлар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш бўйича келишувларда Ўзбекистон давлат консерваторияси методик ва ижодий жиҳатдан таянч олий таълим муассасаси эканини эътироф этиш;

Ўзбекистон давлат консерваториясининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, жумладан, концерт заллари, аудиториялар ва махсус хоналарни таъмирлаш ва замон талаблари даражасида жиҳозлаш;

консерваторияда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик маҳоратини ошириш, ўқув жараёни сифати ва савиясини тубдан яхшилаш, мусиқа санъати соҳасида жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари, ижодий марказлар, таниқли композитор, мусиқачи ва ижрочилар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жумладан, хорижий мутахассисларни мамлакатимизга таклиф этиш билан бир қаторда, республикамизда юқори натижаларга эришган мусиқачи ва педагогларнинг маҳорат дарсларини чет давлатларда тизимли ташкил этиш;

Ўзбекистон давлат консерваториясининг ёш педагог кадрларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида зарур маиший шароитлар яратиш, ипотека кредитлари асосида уй-жой билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Консерватория ва унинг таркибидаги Иқтидорли болалар академик лицейи профессор-ўқитувчилари ҳамда талабаларининг ижодий фаоллигини янада ошириш, ёзги таътил давомида ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтиши учун Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган санаторийни "Мусиқа оромгоҳи" деган ном билан консерватория тасарруфига ўтказиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, консерваториянинг мақоми ва нуфузини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси маданият вазири бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ректори ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқув бинолари етишмаганлиги сабабли ҳамда талабалар контингенти сезиларли даражада ортганини инобатга олиб, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Мирзо Улуғбек туманидаги, Мустақиллик проспекти, 31-уйда жойлашган В. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейига тегишли бўлган бинони Ўзбекистон давлат консерваториясига ўрнатилган тартибда берилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уйда жойлашган бинони Ўзбекистон давлат консерваторияси тасарруфига ўтказиш ва ушбу бинода жаҳон андозаларига тўлиқ мос бўлган, академик жамоаларнинг бадиий дастурлари намойиш этиладиган, жонли ижрога мўлжалланган замонавий концерт залини барпо этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги мазкур лойиҳаларни амалга оширишда хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда консерваториянинг лойиҳалаштириш, қурилиш ва таъмирлаш ишларида масъул этиб белгилансин.

Уч ой муддатда Ўзбекистон давлат консерваторияси биносида "Ноёб чолғулар давлат коллекцияси"ни ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

тўрт ой муддатда Ўзбекистон давлат консерваториясига абитуриентларни ўқишга қабул қилиш бўйича ўтказиладиган касбий (ижодий) кириш имтиҳонлари тартибига ўзгартиришлар киритиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

2018 йилнинг 1 мартига қадар Ўзбекистон давлат консерваторияси муассислигида мусиқа санъати таълим-тарбияси бўйича "Мусиқа" илмий-услубий журнали фаолиятини ташкил этсин;

республикадаги энг яхши болалар мусиқа ва санъат мактаблари, маданият ва санъат коллежларида консерваториянинг таянч ижодий марказларини ташкил этсин ҳамда уларга консерваториянинг етакчи профессор-ўқитувчиларини юбориб, "Маҳорат мактаби" машғулотларини ўтказишни йўлга қўйсин;

ноёб ва мураккаб чолғу созларини янада пухта ўзлаштиришлари учун ҳар йили ёш ижрочилар ва техноген санъат турлари мутахассисларини хориждаги нуфузли мусиқа академиялари ва консерваторияларига келишув шартномалари асосида Маданият вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қисқа муддатли (2-3 ойгача) ўқишга юборсин;

иқтидорли ўқувчи ва талабаларнинг мамлакатимизда, хорижий давлатларда ўтказиб келинаётган нуфузли танлов, фестиваль ва илмий-ижодий конференцияларда Маданият вазирлиги қошидаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мунтазам иштирок этишларини таъминласин.

5. Қуйидагилар Дастурни амалга оширишнинг молиявий манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари — 2018-2019 йилларда Ўзбекистон давлат консерваторияси қошида мусиқа соҳаси педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ва 400 ўринли ётоқхона бинoларини қуриш ва жиҳозлаш қисмида;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг ташаббуси билан хайрия асосида ажратиладиган маблағлар — Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган Ўзбекистон давлат консерваториясининг бино ва иншоотларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш қисмида;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари — "Ноёб чолғулар давлат коллекцияси"ни, "Мусиқа" илмий-услубий журнали фаолиятини ташкил этиш, ёш ижрочилар ва техноген санъат турлари мутахассисларини хориждаги нуфузли мусиқа академиялари ва консерваторияларига ўқишга юбориш, иқтидорли ўқувчи ва талабаларнинг мамлакатимизда, хорижий давлатларда ўтказиб келинаётган нуфузли танлов, фестиваль ва илмий-ижодий конференцияларда иштирок этишларини таъминлаш қисмида;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар — бошқа тадбирларни бажариш қисмида.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон давлат консерваториясида фаолият юритаётган юқори малакали ходимлар, жумладан, иқтидорли ёш мутахассислар учун муносиб тураржой шароитларини яратиш мақсадида имтиёзли ипотека кредитлари асосида Тошкент шаҳрида қуриладиган кўп қаватли уйлардан уй-жойлар ажратилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича Ҳукуматнинг тегишли қарорини қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х. Султонов ва А. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 8 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Бугунги кунда мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини изчил ривожлантириш, жаҳон миқёсидаги ижобий тажриба ва тенденциялар, ютуқ ва натижаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш асосида маданият ва санъат муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларнинг тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасида бу борадаги вазифалар янада аниқ-равшан белгиланиб, маданият, адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантириш бўйича муҳим таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Уларнинг ижросини таъминлаш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда.

Бу борада, айниқса, "Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор алоҳида аҳамиятга эга.

Қарорда халқимиз, хусусан, ёшларимизнинг дунёқараши, маънавий савияси ва эстетик тарбиясини юксалтиришда ғоят муҳим ўрин ва аҳамиятга эга бўлган мусиқа санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, бой мусиқий меросимизни чуқур ўрганиш, ёш авлодни миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг мумтоз намуналарига муҳаббат руҳида тарбиялаш, соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида муҳим вазифалар белгиланди.

Президентимиз томонидан имзоланган ушбу муҳим ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастури, мазкур билим юртининг янги таркибий тузилмаси, консерватория фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби тасдиқланди.

Мазкур дастурда бугунги кунда маънавий ҳаётимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланган.

Жумладан, ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, маънавий етук, миллий ғоя ва мафкурамизга садоқат билан хизмат қиладиган баркамол шахсларни тарбиялаш, ўзбек халқининг миллий мусиқий мероси негизида, жаҳон мусиқа маданияти дурдоналаридан андоза олган ҳолда, мусиқа санъатини ривожлантириш, мусиқий таълим тизимини сифат жиҳатидан янада кўтариш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурда акс этиши лозимлигига урғу берилган.

Шунингдек, мулкий ёки идоравий бўйсунувидан қатъи назар, мусиқа санъати, мусиқа таълими йўналиши учун кадрлар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этишда Ўзбекистон давлат консерваторияси методик ва ижодий томондан кўмаклашадиган таянч олий таълим муассасаси эканига алоҳида урғу берилган.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, жумладан, концерт заллари, ўқув аудиториялари, махсус машғулот хоналарини таъмирлаш ва замон талаблари даражасида жиҳозлашга катта эътибор қаратилган.

Айни вақтда консерваторияда фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини янада ошириш, ўқув жараёни сифати ва савиясини тубдан яхшилаш, мусиқа санъати соҳасида жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари, ижодий марказлар, таниқли композитор, мусиқачи ва ижрочилар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жумладан, хорижий мутахассисларни мамлакатимизга таклиф этиш билан бир қаторда, республикамизда юқори натижаларга эришган мусиқачи ва педагогларнинг маҳорат дарсларини чет давлатларда тизимли ташкил этиш зарурлиги қайд этилган.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг ёш педагог кадрларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида улар учун зарур маиший шароитлар яратиш, ипотека кредитлари асосида уй-жойлар билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари ҳам дастурда ўз ифодасини топиши кераклиги белгиланган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқув бинолари етишмаслиги, талабалар сони сезиларли даражада кўпайгани таълим-тарбия жараёнларини юқори даражада ва сифатли олиб боришда муаммо туғдирмоқда. Қарорда ана шу масалани самарали ҳал этиш чоралари белгиланган. Шу мақсадда мутасадди ташкилотларга 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 31-уйда жойлашган В. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейига тегишли бўлган бинони Ўзбекистон давлат консерваториясига ўрнатилган тартибда бериш ҳамда Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уйда жойлашган бинони Ўзбекистон давлат консерваторияси тасарруфига ўтказиш ва ушбу бинода жаҳон андозаларига тўлиқ мос келадиган, академик жамоаларнинг бадиий дастурлари намойиш этиладиган, жонли ижрога мўлжалланган замонавий концерт залини барпо этиш вазифаси топширилган.

Консерваториянинг маданий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси маданият вазири бир вақтнинг ўзида консерватория ректори вазифасини ҳам бажариши қарорда белгилаб берилган.

Шу билан бирга, ўқитувчи ва талаба ёшларнинг илмий салоҳиятидан унумли фойдаланиш учун Ўзбекистон давлат консерваторияси муассислигида "Мусиқа" илмий-услубий журнали фаолиятини йўлга қўйиш вазифаси белгиланган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қарор Президентимиз томонидан миллий мусиқа санъатимиз ривожига кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий намунаси бўлиб, у Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини тубдан такомиллаштириш, мусиқа санъати соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш даражасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Сиёсий партиялар:

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР

Шу кунларда мамлакатимиз сиёсий партиялари марказий кенгашларининг навбатдаги пленумлари бўлиб ўтмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарининг "Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак" номли маърузасидан келиб чиққан ҳолда, партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган устувор вазифалар ва уларни амалга ошириш механизмлари белгилаб олинаяпти.

ЖАРАЁН

Эътиборлиси, ушбу йиғилишлар тегишли партия фаоллари ва депутатлар учун жойлардаги ҳақиқий ҳолат юзасидан очиқ фикр алмашиш ҳамда кун тартибидаги масалаларни чуқур ўрганиб, уларнинг ечими юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини баён этиш майдонига айланмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгашининг пленумида партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, марказий кенгаши аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар кенгашлари раҳбарлари, партия фаоллари қатнашди. Уни партия марказий кенгаши раиси Ҳ. Кетмонов олиб борди.

Таъкидланганидек, фуқаролик жамиятининг муҳим институти — сиёсий партиялар қонун ижодкорлиги такомиллашуви ва қонунчилик талаблари бажарилишида фаоллик кўрсатиши ҳаётий заруратдир. Бинобарин, улар фуқароларнинг қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, одамларни ўйлантираётган, қийнаётган муаммо ва масалаларни ҳал қилиш борасида ҳуқуқ ва ваколатларга эга. Бироқ электорат билдирган ишончни оқлаш, парламент ва депутатлик назорати институтлари самарадорлигини ошириш каби ўта муҳим масалаларда партияларнинг "мудроқ"лиги Президентимиз томонидан танқид қилингани барчани янада ҳушёр бўлишга ундади.

ХДП марказий кенгаши пленумида партия фаолиятида ҳам қатор муаммо ва камчиликлар борлиги айтиб ўтилди. Партия сайловолди дастуридаги ваъдаларни бажариш, партия электорати бўлган пенсионерлар турмуш шароитини яхшилаш ва уларни дори-дармон билан таъминлаш, ногиронларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш, Мурувват, Саховат, Меҳрибонлик уйлари фаолиятини янги сифат босқичига кўтариш борасида эътирофга арзийдиган натижалар қўлга киритилмади.

Мавжуд муаммолар юзасидан кечиктириб бўлмайдиган амалий чораларни кўриш, долзарб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалалар бўйича партиянинг позициясини мунтазам равишда билдириб бориш муҳим экани қайд этилди. Қонун ҳужжатларини жойларга етказиш ва ижросини таъминлашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, муайян қонуннинг ижросини назоратга олиш амалиётини, партиянинг аҳоли билан тизимли мулоқотини йўлга қўйиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Пленумда барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларига алоҳида вазифалар белгиланди. Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида Ўзбекистон Халқ демократик партияси гуруҳларининг ижрочи котиблари лавозимлари жорий этилди. Ижрочи котиблар "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича маҳаллий Кенгашлар ҳамда партия гуруҳлари томонидан ишлаб чиқилган иш режаларининг ижросини мунтазам мониторинг қилиб боради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши пленуми ҳам танқидий-таҳлилий руҳда бўлиб ўтди. Унда партия марказий кенгаши раиси С. Отамуратов ва бошқалар Президентимиз томонидан сиёсий партиялар фаолиятига нисбатан билдирилган қимматли фикрлардан зарур хулоса чиқарган ҳолда, партиянинг ғоявий ва мафкуравий дастурларини такомиллаштириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга партиянинг позициясини аниқлаштириш ва уни кенг жамоатчиликка етказиш чораларини кучайтириш лозимлигига урғу бердилар.

Пленумда партия фракцияси ва депутатлик гуруҳларининг ижро ҳокимияти идоралари фаолияти устидан самарали парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш юзасидан янги тизим яратилганлиги маълум қилинди. Унга мувофиқ, марказда фракция, ҳудудларда партия гуруҳлари томонидан назорат қилинадиган давлат бошқаруви органлари доирасини аниқлаш, уларнинг ҳисоботи ва ахборотини тегишли фракция мажлисларида эшитиб бориш, камчиликларини аниқлаш ҳамда раҳбарларнинг ўз лавозимига нолойиқлиги юзасидан асосли маълумот ва таклифлар киритиш масалалари кўриб чиқилади.

Шунингдек, халқ билан доимий мулоқотни амалга ошириш мақсадида жойларда сайёр қабуллар ўтказиш, партия вилоят кенгашлари раҳбарларининг туманларда, марказий кенгаш раҳбарларининг вилоят ва туманларда сайёр қабулларини изчил ташкил қилиш билан боғлиқ режалар ишлаб чиқиш зарур.

Пленумда партиянинг "Ёшлар қаноти" фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. "Ёшлар қаноти"нинг хорижга чиқиб кетган, диний оқимларга кирган ҳамда уюшмаган ёшлар билан мулоқоти қониқарсиз экани танқид қилиниб, ёшлар билан ишлашни янада такомиллаштириш мақсадида ҳудудий партия ташкилотлари тузилмасига ўзгартиришлар киритилиши қайд этилди. Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари маърузасидан келиб чиқиб, партияда кадрлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш, ходимлар учун махсус ўқув курсларини ташкил этиш, партия ҳудудий кенгашлари моддий-техника таъминотини янада яхшилаш борасида вазифалар белгиланди.

Партиянинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш масаласини муҳокама қилиш чоғида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия гуруҳининг ижрочи котиби лавозимини жорий этиш, депутатларнинг партия ташкилотлари ва ўз сайловчилари билан доимий мулоқотини йўлга қўйиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда партия гуруҳи ва ташкилотлари ролини кучайтириш, бу борада жойларда "марказ — вилоят — туман" тартибида ишлайдиган янги тизимни қўллаш зарурлиги таъкидланди.

Пленумлар якунида Президентимиз маърузасида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг чора-тадбирлар дастурлари қабул қилинди.

Фарида МАҲКАМОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

МИЛЛИЙ КИНО САНЪАТИ РАВНАҚИДА МУҲИМ ҚАДАМ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, миллий кинематография санъатини замон талаблари асосида ривожлантириш, ёш кино ижодкорларини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳузурида Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади. Шу билан бирга, агентлик ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда таркибида кичик киностудиялари ва замонавий форматдаги кинозаллари бўлган минтақавий маданий-кўнгилочар комплекслар бунёд этилади.

Бундан ташқари, қарорда кадрлар тайёрлаш, ёш истеъдодли ва истиқболли кино ижодкорлари малакасини ошириш, уларнинг етакчи хорижий таълим муассасаларида таҳсил олишига қаратилган вазифалар белгиланганлиги ҳам соҳа ривожида муҳим қадам бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур қарор мазмун-моҳияти билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсадлари ҳамда сайловолди дастурида белгиланган вазифаларга уйғун ва ҳамоҳангдир.

Жумладан, партиямиз сайловолди дастурида халқимиз маданияти ва санъати ютуқларини халқаро майдонда кенг миқёсда тарғиб этиш, буюк аждодларимизнинг фаолиятига бағишланган кино асарларини яратиш ва уларни дунё жамоатчилиги диққат-эътиборига етказиш, шунингдек, ёшларга маънавий ибрат бўладиган, ёш авлодни миллий ғоя, жасорат ва матонат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган фаол замондошларимизнинг бадиий образларини яратиш каби долзарб вазифалар белгиланган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур қарор партиямизнинг шу йўналишда вазифаларни амалга оширишида дастуриламал бўлиб, партиямиз фаоллари ва фракциямиз аъзолари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Ишончимиз комилки, ушбу қарор келгусида ёшлар маънавиятини, тафаккури ва бадиий дидини янада юксалтириш, уларни эзгу ишлар сари даъват этишда ҳар томонлама ибрат бўлишга арзигулик миллий ва замонавий қаҳрамонлар сиймоси акс эттирилган экран асарларини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Козим ТОЖИЕВ,
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси.

ИСТЕЪМОЛЧИЛИК КАЙФИЯТИ ИЛДИЗ ОТИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ички дунёси бой, иродаси бақувват, имон-эътиқоди бутун, виждони уйғоқ авлодни камолга етказмоқ учун, аввало, эртамиз эгаларини дастлабки қадамлариданоқ халқимизнинг маданий бойликларидан баҳраманд қилмоғимиз лозим. Бу эса, биринчи галда, адабиёт, санъат ва маданият соҳалари, оммавий ахборот воситалари вакилларидан чин маънода фидойиликни, масъулиятни талаб этади.

Президентимиз Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор — бу, аввало, халқимизга, келажагимизга эътибор эканини айтиб, "Ўз боланги ўзинг асра!" деган даъват ҳар бир фуқаро қалбига кириб боришида ижод аҳлининг ўрни ва таъсири катта эканига урғу берди. "Агар "оммавий маданият" таҳдиди фақат четдан — Ғарбдан кириб келади, десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан ҳам чиқиши мумкин", дея давлатимиз раҳбари юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, китобларни, суратга олинаётган баъзи клип ва киноларни, эфирга берилаётган қўшиқ ва рақсларни кузатган соғлом фикрли инсон ана шундай хулосага келиши табиийлигини қайд этди.

Ростдан ҳам, ҳозирги кунда бадиий ижод соҳасида маърифатсизлик, бошқача айтганда, жаҳолат кўринишлари, кишини ташвишга соладиган салбий тенденциялар мавжуд. Буларнинг объектив ва субъектив сабаблари кўп, албатта. Лекин ижод аҳли орасида ўз иқтидор ва салоҳиятини одамларга маънавий, эстетик озуқа бериш, дурдона асарлар устида ишлашга йўналтирмай, балки фақат иқтисодий фойда ортидан қувиб, ижодкор шаънини, ғурурини, санъатга садоқатини унутаётганлар учраётгани таассуфланарлидир. Президентимиз масаланинг ушбу жиҳатига тўхталар экан, "Ўзбекистонда адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат бизнесга айланмаслиги шарт ва биз бунга ҳеч қачон йўл қўймаймиз", деб алоҳида таъкидлади. Мазкур соҳаларда юзага келган жиддий муаммо ва камчиликларни бартараф этишнинг самарадор амалий ечимларини кўрсатиб ўтди.

Шак-шубҳасиз, адабиёт ва санъат, маданият соҳаларидаги аҳволни тубдан яхшилаш билан боғлиқ аниқ мақсадли бу вазифаларнинг рўёбга чиқарилиши наинки юртимиз ижодкорларини янада изланишга рағбатлантиради, балки жамиятнинг маънавий юксалишига, айниқса, ёш авлоднинг миллий ғурур ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашига замин яратади.

Сайёра АБДИКАРИМОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Спорт

Филиппинда бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари учтадан олтин ва кумуш ҳамда тўртта бронза медални қўлга киритиб, мусобақани умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринда якунлади.

Ёш боксчиларимиз муваффақияти

Ўн саккиз мамлакат вакиллари совринли ўринлар учун баҳслашган қитъа биринчилигида ҳамюртларимиз Жавлонбек Юлдашев, Нурислом Исмоилов ва Шоҳруҳ Алматов ўз вазн тоифасида ғолибликка эришди. Асадхўжа Мўйдинхўжаев, Раҳматулло Тошпўлатов ва Асадбек Жуманиёзов финалда рақибларига имкониятни бой бериб қўйди. Умидли спортчиларимиз Муҳаммадмусо Абдураҳмонов, Руслан Абдуллаев, Шерзод Қодирбоев ва Камронбек Раҳмонов бронза медаллар билан тақдирланди.

Бир кумуш, икки бронза

Финляндияда спорт курашлари бўйича ёшлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳам Ўзбекистон вакиллари совриндорлар сафидан жой олди.



Нуфузли мусобақанинг эркин кураш беллашувларида Иса Шапиев кумуш медалга сазовор бўлди. Юнон-рум кураши бўйича ташкил этилган баҳсларда эса Илҳом Баҳромов ва Тўрабек Тиркашев кучли учликдан ўрин эгаллади.

Ғолиблар аниқланди

Нукусда гандбол бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг финал босқичи ўтказилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоалари ўзаро беллашди. Қизиқарли курашларга бой бўлган баҳслар якунида ғолиблик қорақалпоғистонлик спортчиларга насиб қилди. Кейинги ўринларни Андижон, Фарғона ва Сирдарё вилоятлари жамоалари банд этди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, ғолиб жамоа келгуси йили Россияда ўтказиладиган халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Фазлиддин АБИЛОВ.

Келажак ворислари учун муносиб туҳфа

Урганч шаҳрида "Ёшлар маркази" ва ёш оилалар учун кўп қаватли тураржой биноси фойдаланишга топширилди. Бу мустақиллигимизнинг йигирма олти йиллиги арафасида ҳудуд ёшлари учун ўзига хос байрам туҳфаси бўлди.

ҒАМХЎРЛИК

Ушбу лойиҳа рўёби учун 11,8 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилди. Бу ерда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашлари учун барча шароит яратилган. Шунингдек, мазкур марказда хорижий тиллар ва замонавий ахборот технологияларини ўрганиш, рассомлик, мусиқа, ёш тадбиркорлар, имконияти чекланганлар билан ишлаш тўгараклари фаолият бошлади. 240 ўринга мўлжалланган зал турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш имконини беради.

— Масканимизда бир вақтнинг ўзида 1000 нафарга яқин ёшлар ўзлари қизиққан йўналишлар бўйича шуғулланишлари мумкин, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Хоразм вилояти кенгаши раиси Мансурбек Машарипов. — Ўн бир йиллик таълим тизимига ўтилиши муносабати билан Ҳазорасп педагогика касб-ҳунар коллежининг бўш қолган биносида ҳам "Ёшлар маркази" ташкил қилинди. Келгусида бундай марказларни барча шаҳар ва туманларда барпо этиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг таъсис қурултойида ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида тўхталиб, ҳудудларда "Ёшлар уйлари"ни барпо этиш борасида аниқ кўрсатмалар берганди. Президентимиз топшириқлари асосида қисқа фурсатда Урганч шаҳрида қурилиб, фойдаланишга топширилган "Ёшлар уйи" 32 та оила аъзолари учун муносиб совға бўлди.

— Бугун янги хонадонга кўчиб ўтдик, — дейди каратэ бўйича Осиё чемпиони, спорт устаси Сулаймон Юсупов. — Барча қулайлик муҳайё. Айниқса, тураржойнинг имтиёзли ипотека кредити асосида 20 йилга, бошланғич бадалсиз берилиши жуда катта имкониятдир. Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган бундай эътибори ва ғамхўрлигига халқаро мусобақалардаги муносиб ютуқларимиз билан жавоб берамиз.

Тадбирлар дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қ. Қуронбоев Хонқа туманидаги "Ваисёз қаҳрамон" фермер хўжалигида вилоятнинг ёш тадбиркор ва фермерлари билан очиқ мулоқот ўтказди. Учрашувда ўз бизнесини йўлга қўяётган ёшларни ўйлантираётган баъзи муаммоларга ечим топилиб, уларнинг интилишлари қўллаб-қувватланди. "Менинг бизнес ғоям" танлови ғолиби Чиннипошша Султонбоевага имконияти чекланган ёшларни иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳаси учун Ёшлар иттифоқи томонидан 5 дона тикув машинаси совға қилинди. "Ёшлик" спорт мажмуасида "Ёзни "Камалак" билан" лойиҳаси ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг вилоятлардан ташриф буюрган фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари "Темурбеклар мактаби" ҳарбий-юридик лицейи, "GM-Uzbekistan" қўшма корхонасининг Хоразм филиалида ҳам бўлиб, навқирон авлод вакиллари учун яратилган шарт-шароитлар, бошланғич ташкилотлар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Тадбирларда Хоразм вилояти ҳокими П. Бобожонов иштирок этди.

Одилбек АДАМБАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚУЛАЙЛИК

Вобкент туманида яшовчи, табиий газ тармоғига уланмаган аҳолининг ташвиши енгиллашди. Бу ерда "Ғарбгазтаъминот" ҳудудлараро унитар корхонасига қарашли шохобча қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Оворагарчиликларга ҳожат қолмади

Компрессор станцияси, баллонларни суюлтирилган газ билан тўлдириш цехидан иборат мазкур объектни барпо этиш учун 5,5 миллиард сўм сарфланди. Натижада 11 иш ўрни ҳам яратилди. Эътиборлиси, суюлтирилган газ тўлдириш пункти нафақат Вобкент, балки Шофиркон ва Ғиждувон туманларида истиқомат қилувчи, табиий газ тармоқларига уланмаган жами 35 мингта истеъмолчининг маиший эҳтиёжини қондиради.

Ўтган йилда Қорақўл ҳамда Ромитан туманларида ҳам худди шундай пунктлар қурилиб, ишга туширилган эди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ASIA ALLIANCE BANK

Ҳозирги глобаллашув шароитида жаҳон иқтисодиётининг ўзгарувчан конъюнктураси чуқур таҳлил қилинган ҳолда, мамлакатимизни барқарор ривожлантириш бўйича янги дастурлар ҳаётга изчил татбиқ этилаяпти. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси яқин беш йилда жадал тараққиётимизни таъминлашга қаратилган муҳим дастуриламал ҳужжат бўлди. Мазкур стратегия ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча жабҳасини қамраб олгани, ушбу муддатда бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар аниқ белгилаб берилгани билан аҳамиятлидир.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЮҚОРИ МАЛАКА

мижозлар ишончини оқлаш, ютуқларга эришишнинг бош омилидир

Ҳужжатнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилидаги ижроси доирасида иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланган молия-банк тизимини ислоҳ қилиш юзасидан кенг кўламли тадбирлар кўрилмоқда. Натижада тижорат банкларининг юртимизда рўй бераётган ўзгаришлардаги иштироки фаоллашиб, иқтисодиётни таркибий ўзгартиришда молиявий воситачи сифатидаги роли ортмоқда.

Тизимдаги ўзгаришларни банк ва мижоз ўртасидаги масофа тобора қисқариб, аҳолининг тадбиркорликни йўлга қўйиш, бизнес фаолиятини кенгайтириш учун кредитлар олиш имкониятлари ортгани мисолида яққол кўриш мумкин. Хусусан, молиявий хизматлар бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаётган "ASIA ALLIANCE BANK" акциядорлик тижорат банки янги хизмат турларини жорий этиш орқали ишбилармонларнинг яқин ва ишончли ҳамкорига айланмоқда.

Юқори малака, барқарор фаолият, янги технологияларни мунтазам жорий этиш, халқаро ҳамкорлар билан алоқаларни кенгайтириш, энг асосийси, мижозлар ишончини қозониш банк муваффақиятининг кафолати ҳисобланади. Ана шу тамойиллар мазкур молия муассасаси фаолиятининг бош мезонига айлангани туфайли қўлга киритилаётган ютуқлар ой сайин мустаҳкамланаяпти. 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банк соф активлари ҳажми 1 246 миллиард сўмни ташкил қилгани, корпоратив мижозлар сони 5,2 мингтага етгани, учинчи чоракни эса 133,9 минг нафар жисмоний шахсга хизмат кўрсатиш билан бошлагани бунга асос бўла олади.

Шу даврда кредит қўйилмалари ҳажми ҳам ортиб, 846,1 миллиард сўмни ташкил этди. Унинг асосий қисми саноат, транспорт ва коммуникация, савдо, умумий овқатланиш каби иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ривожига йўналтирилди.

Таъкидлаш керакки, "ASIA ALLIANCE BANK" билан халқаро молия институтлари ва хорижий банклар ўртасида яхши алоқа ўрнатилган. Бунинг самараси ўлароқ, хусусий тадбиркорлик субъектларининг умумий қиймати 8 миллион АҚШ долларилик узоқ муддатга мўлжалланган лойиҳаларига Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясининг кредит линияси ҳисобидан сармоялар ажратилди. Молия муассасалари ўртасида имзоланган битимга кўра, ушбу линия орқали жорий йил охиригача кичик бизнес вакилларининг яна 12 миллион долларлик лойиҳалари молиялаштирилиши мўлжалланган.

Бундан ташқари, юртимиз тадбиркорларига Германиянинг "Commerzbank AG" ва "LandesbankBaden-Wurttemberg" банклари тақдим этган кредит линиялари ҳисобидан "Euler Hermes" экспорт кредит агентлиги ҳомийлигида 11 миллион евролик инвестициялар берилди. Бу эса импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, экспорт салоҳиятини оширишда рағбатлантирувчи омил бўлмоқда.

Банкнинг халқаро молия бозоридаги нуфузи ортиб бораётгани ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда қўл келмоқда. Бинобарин, "ASIA ALLIANCE BANK" икки марта Германиянинг "Commerzbank AG" банкининг "Аъло даражадаги ўзаро ҳамкорлик учун" мукофотига сазовор бўлган. 2016 йилда "Global Finance" халқаро нашри версияси бўйича савдони молиялаштириш соҳасида Ўзбекистоннинг энг яхши банки, 2014, 2015 ва 2016 йилларда эса "Осиё-Тинч океани минтақасининг ривожланаётган бозорларидаги жаҳоннинг энг яхши банклари" номинацияларида ғолибликни қўлга киритган.



Бу ҳали ҳаммаси эмас. Мазкур молия муассасаси ўтган йили "Euromoney" халқаро молиявий журналининг "Энг яхши кўрсаткичлари учун" ("Awards for Excellence — 2016") мукофотига лойиқ кўрилди ҳамда Ўзбекистоннинг 2016 йилдаги энг яхши банки, деб тан олинди. 2016 йил декабрида "The Banker" нуфузли халқаро нашри томонидан ўтказиладиган "Йил банки" мукофотини топшириш маросимида "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ "Ўзбекистонда 2016 йил банки" номига сазовор бўлди.

Банк фаолиятида барқарор молиявий кўрсаткичлар сақланиб, кредит хатарларига берилувчанлиги пасайиб бораётгани, филиаллари тармоғи кенгайиб, хизмат кўрсатиш сифати мунтазам яхшиланаётгани миллий ва хорижий рейтинг агентликлари томонидан юксак эътироф этилмоқда.

Гап шундаки, ўтган йили "Ahbor-Reyting" рейтинг агентлиги томонидан банкнинг индивидуал кредит рейтинги "uzA" миллий шкаласи бўйича "Барқарор" прогнози билан тасдиқланган бўлса, "Moody's Investors Service" халқаро рейтинг агентлиги томонидан эса банкнинг молиявий барқарорлик бўйича мустақил рейтинги "Барқарор" прогнози билан B3 дан B2 га кўтарилгани диққатга сазовордир.

"ASIA ALLIANCE BANK" жамоаси "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, айниқса, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш бўйича амалий чоралар кўрмоқда. Ўз навбатида, ишбилармонлар томонидан таклиф этилган ғояларни амалиётга татбиқ қилиш борасида зарур тавсия ва маслаҳатлар берилаяпти. Шунингдек, кредитлаш принциплари, уларнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан тушунтириш ишлари ҳам олиб борилаяптики, буларнинг барчаси банк нуфузини оширишда қўл келмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 2 февралдаги "Республикада банк пластик карточкалари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан, шу йилнинг иккинчи чорагида банк қарийб 14 минг дона "Uzkart" тизимидаги пластик карточкани муомалага чиқарди. Бу даврда ўрнатилган савдо терминаллари ва инфокиосклар тармоғи ҳам кенгайди. Қолаверса, юридик шахслар учун мўлжалланган корпоратив карточкалар очиш бўйича фаол иш олиб борилиб, 2017 йил 1 июль ҳолатига кўра, эмиссия қилинган "электрон ҳамён"лар сони 130 мингтадан зиёдни ташкил этди. Шундан 3,5 мингтадан ортиғи корпоратив пластик карточкалардир.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштиришга қаратилган бундай саъй-ҳаракатлар мижозларга вақтни тежаш, хавфсизликни таъминлаш каби қулайликларни туҳфа қилаяпти. Шу боис пластик карточка ва бошқа янги хизматлардан фойдаланувчилар сони тобора кўпаймоқда. Мисол учун, 200 дан ортиқ хизмат кўрсатувчисига эга бўлган "Click" тизимига 1 миллиондан зиёд киши уланган. Бинобарин, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликда авиачипталарни интернет орқали сотиш лойиҳаси ҳам муваффақиятли амалга оширилаётир. Унинг аҳамиятли томони шундаки, чипта сотиб олишга атиги 10 дақиқа кифоя қилади. Бунинг учун "SMS-хабар" хизмати ёқилган бўлса, бас.

Бугунги шиддаткор замон билан ҳамнафас ишлаш, мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида банк томонидан янгиланиб турувчи хизматлар мажмуи таклиф этиб келинмоқда. Масалан, ҳозирги вақтда савдо-хизмат корхоналари учун "Indoor тўловлар" хизмати жорий этилган. У савдо шохобчаларига банкдан тўлов терминалини олмасдан ҳам пластик карточкалардан тегишли тўловни қабул қилиш имконини беради. Ушбу янгиликни қўллаш доирасида савдо шохобчаларига бир хил функцияларни бажара оладиган ва яна қатор афзалликларга эга виртуал терминал очилади. Тўлов жараёнининг ўзига бир неча сония вақт керак, холос. Мижоздан эса қўшимча харажат талаб этилмайди.

Юқори малакали ва тезкор банк хизматлари кўрсатишни бош мақсади сифатида белгилаган "ASIA ALLIANCE BANK" жамоаси келгусида ҳам янги ишланма ва технологияларни ҳаётга кенг жорий қилиш бўйича амалий саъй-ҳаракатларни изчил давом эттираверади. Зеро, мижозлар ҳар доим, ҳамма жойда сифатли хизматдан фойдаланишга ҳақли.

Банк матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 845. 79 848 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.25 Топширилди — 23.55 1 2 3 4 5 6.